



## XALQ DEPUTATLARI YANGIQO'RG'ON TUMAN KENGASHI Q A R O R I

2022 - yil 22 - aprel

VI-37-62-6-90-K/22

Yangiqo'rg'on tuman hokimligi

**Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди раисининг 2022 йилнинг 3 ойи давомида одил судловни амалга ошириш борасида олиб борган ишлари юзасидан ахборотлари тўғрисида.**

Президентимизнинг дастуруламал маърузаларида судьяларнинг ўз фаолиятлари юзасидан Судьялар олий кенгаши аъзолари иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот беришларини амалиётга киритиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

2022 йил 3 ойи давомида Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судлари томонидан 522 та ишлар кўриб чиқилган бўлиб, шундан 137 таси Янгиқўрғон туманига, 164 таси Чортоқ туманига, 206 таси Косонсой туманига ҳамда 5 таси эса бошқа туманларга тўғри келади. Жами кўрилган низоли ишларнинг 341 таси ёки 65,32 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган, кўрилган ишларнинг 406 таси ёки 77,77 фоизи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга оид, 66 таси ёки 12,64 фоизи маъмурий ҳуқуқий муносабатларга оид, 50 таси ёки 9,57 фоизи ташкилот ва фуқароларнинг банкротлигига оид ишларни ташкил этганлиги, жами қабул қилиш рад этилган ва қабул қилинмасдан қайтарилган даъво аризалари (аризалар) 38 тани ташкил этган.

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди томонидан содалаштирилган тартибда иш юритиш бўйича ҳисобот даврида 61 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 4 таси қайтарилган, 46 таси иш юритувга қабул қилиниб, шундан 45 таси қаноатлантирилган, 3 таси рад этилган, 2 таси тегишлилик бўйича Наманган туманлараро иқтисодий судига юборилган, 9 таси 2022 йил иккинчи чорагига қолдиқ бўлиб ўтган.

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномаси билан боғлиқ 248 та, контрактация шартномаси билан боғлиқ 55 та, ижара шартномаси юзасидан 2 та, пудрат шартномаси юзасидан 5 та, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси юзасидан 1 та, қарз шартномаси юзасидан 1 та, кредит шартномаси билан боғлиқ 16 та, лизинг шартномаси юзасидан 7 та, коммунал хизмат кўрсатиш шартномаси юзасидан 19 та, ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар юзасидан 2 та, банкрот деб топиш билан боғлиқ 50 та, инвестицион низолар юзасидан 1

та, банкдаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш бинлан боғлиқ 57 та, бошқа асослар бўйича 8 та, ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш юзасидан 19 та, суд ҳужжатини ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш юзасидан 30 та ишлар кўриб чиқилганлигини, Республика бюджетига ихтиёрий тўланган давлат божи миқдори 23,09 млн. сўм ва суд қарорларига асосан ундирилиши белгиланган давлат божи миқдори 443.40 млн. сўм ташкил этган.

Ҳисобот даврида банкротликка оид 50 та ариза келиб тушган бўлиб, 50 таси иш юритувга қабул қилинган, шундан бюджет олдидаги умумий қарздорлиги 41467,8 млн. сўмни ташкил этган 49 та истикболи йўқ корхоналар суд қарорларига асосан банкрот деб топилган. Аввалги йилларда ва 2021 йилда банкрот деб топилган корхоналарнинг 8 таси тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган. Банкротлик ишларнинг 49 таси 3 ойча бўлган муддатда, 8 таси 9 ойдан 12 ойгача бўлган муддатда ва 1 таси 1 йилдан ошган муддатда тугатиш ишлари олиб борилайтган. Муддати 1 йилдан ошган банкротлик ишларнинг яқунлаш тўғрисида тегишли суд бошқарувчиларига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармасига оғохлантириш хатлари юборилган.

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судга жорий йил 3 оyi давомида электрон шаклда келиб тушган даъво ариза (аризалар) 345 тани ташкил этганлигини, шундан 28 таси қабул қилинмасдан қайтарилган, 2 таси қабул қилиш рад этилганлигини айтиб ўтди. Иш юритувга қабул қилинган 201 та даъво аризалардан 198 таси қаноатлантирилган, 1 рад этилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган, 1 таси иш юритиш тугатилганлигини айтиб ўтди.

Суд томонидан ҳисобот даврида жами 12 та таъсир чоралари қўлланилган, хусусан, 1 та маъмурий жавобгарликка тортиш, 2 та моддий жавобгарликка тортиш, 1 та интизомий жавобгарликка тортиш ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 8 та хусусий ажримлар чиқарилган бўлиб, жами қўлланилган таъсир чоралари кўрилган ишларига нисбатан 1,53 фоизни ташкил этган.

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди раиси томонидан жами 11 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, шундан 1 та журналда, 2 та радиода, 2 та газета чиқишлар амалга оширилган ҳамда 6 та маъруза ва давра суҳбатларида оғзаки ҳуқуқий тарғибот ўтказилган. Суд раиси томонидан телевиденияда ва веб-саит ва обошқа ахборот воситаларида чиқишлар қилинмаган.

2022 йил 3 оyi давомида Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди томонидан қабул қилинган ажрим ва ҳал қилув қарорларига нисбатан апелляция ва кассация тартибида шикоятлар келиб тушмаган.

Жорий йил 3 оyi давомида апелляция ҳамда кассация инстанцияси томонидан бекор қилинган, ўзгартирилган иқтисодий ишлар мавжуд эмас.

Ҳисобот даврида жами 5 та иқтисодий иши бир ойдан ортиқ муддатларда кўриб ҳал этилган бўлиб, шундан барчасининг муддати суд раиси томонидан узайтирилган.

Суд раиси томонидан жами 4 та шахсий қабуллар амалга оширилган. Ушбу муурожаатларнинг барчаси оғзаки муурожаатлар бўлиб, шундан 1 таси суд ҳужжати юзасидан қолган 3 таси бошқа масалалар юзасидан келиб тушган муурожаатлардан иборат. Мазкур муурожаатларнинг барчасига тушунтириш берилиб, муддатларида кўриб ҳал этилган. Ҳисобот даврида суд ҳужжати ижроси юзасидан, суд ҳужжатини вақтида ололмаётганлик ҳолати ва суд ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан муурожаатлар келиб тушмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон Қарорига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш тартибини жорий қилинди.

Кун тартибидаги масала бўйича ахборотларни эшитиб, билдирилган фикр мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олган ҳолда Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгаши,

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий суди (**Ш.Тўхтабоев**) раисига:

ҳудудларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича бошланган ишларни қатъиятлик билан изчил давом эттириш, жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш амалиётини янада кенгайтириш;

ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда ҳар ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиш;

ҳар бир судья томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва судлар фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишларни ташкил этиш тавсия этилсин.

3. Туман жиноят ишлари (**Ш.Қурбонов**), иқтисодий (**Ш.Тўхтабоев**), судлари, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Б.Кўпайсинов**), туман прокуратураси (**Қ.Ахмаджанов**), туман ички ишлар бўлими (**Р.Якуббаев**), оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ҳудудларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш чораларини кўриб борсинлар.

4. Ушбу қарор ижросининг назорати халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

Tuman hokimi



A.Najmiddinov